

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITEB XIZMATI
INV. 12

Ҳақсвара, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 28 июнь, шанба • №52 (11.543) • Эркин нархда сотилади

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида байрам тадбири бўлиб ўтди. Бу ерда матбуот соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган кекса журналистлар, матбаачилар, ёш қаламкашлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари таширф бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Миллий матбуотимиз ривожини учун узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган кекса журналистлар ва оммавий ахборот воситаларида бугун ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган ёш журналистлардан бир гуруҳига давлатимиз раҳбари номидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугун Ватанимиз эришган ютуқларда, ҳаётимизда амалга ошириб келинган бетақдор ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади. Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада юз бераётган янгиланишларни, ислохотлар жараёнини ҳаққоний ва тезкор ёритиш борасида журналистлар олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида сўз юритилди. Доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари табригида қайд этилганидек, ҳозирги кескин ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши нақадар мураккаб жараён эканини, ўз

танлаган мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бориш ҳеч қачон, ҳеч қайси миллат учун осон кечмаганини инобатга олган ҳолда, бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифаларнинг мазмунини, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода қилиш ва мавжуд муаммоларни ечишда матбуотнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир.

Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада фидойилик кўрсатмоғи лозим.

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига билдирган ишончи журналистларни янги ижодий изланишларга даъват этади.

Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг фаол журналисти" танловининг ғолибларига мукофотлар топширилди.

Санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури байрамга алоҳида шуқуҳ ва завқ бахш этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.



ди. Яна шуни айтмоқчиманки, ҳар бир ёш мана шу спортчиларга ҳавас қилиши, уларнинг изидан бориши керак. Қолаверса, ҳар бир ота-она ҳам ўз фарзандларини турли ноҳуш йўлларга кириб кетишларига йўл қўймай, уларни мана шундай спортчилар қилиб тарбияласин...

— Мен бундай муваффақиятларга эришаман деб асло ўйламаган эдим, — деди «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида шоҳмат бўйича ғолиб бўлиб, олтин медални қўлга киритган Шаҳноза Исроилова. — Устозларим-

ЎЙИНГОҲДА ЁШЛАР КУНИ

Келесдаги марказий ўйингоҳда «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» ўйинларида ғолиб чиққан ёш спортчиларимизни шарафлашга бағишланган тадбир «Биз XXI аср ёшлари гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остидаги оммавий сайлга уланиб кетди

Тошкент туманидаги Келес марказий ўйингоҳида шу йил Хоразм ҳамда Андижон вилоятларида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг республика босқичида муваффақиятларга эришган вилоятимизнинг юздан зиёд ёш спортчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов ҳамда шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари иштирок этдилар.

Шуни айтиш керакки, спортчиларимиз бу мусобақаларда ўзларининг қанчалик маҳорат ва кўникмага эгалликларини намойиш эта олдилар ва 46 та олтин, 45 та кумуш, 29 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими спортчиларни ана шу муваффақиятлари ва эришган ютуқлари билан табриклади. Уларнинг ҳар бирини бағрига босиб, шундай деди:

— Республика миқёсида

ўтган мусобақаларда сизнинг вилоят шаънини шараф билан ҳимоя қилганингиз, айниқса, бу йилги «Баркамол авлод» ўйинларида иккинчи ўринни эгаллашингиз Тошкент вилояти ва унинг халқи учун фахр ва ифтихордир. Бунинг замирида сиз азиз фарзандларимизнинг, қолаверса, мураббийларингизнинг катта меҳнатлари ётиб-

нинг катта кўмаги, қолаверса, вилоят шаънини ҳимоя қилишдек масъулият мени янада қатъийроқ курашга даъват этиб турди. Келгусида бунданда нуфузлироқ мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришиш йўлидаги ҳаракатларимни давом эттираман.

(Давоми 2-бетда).



ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йилнинг 25 июнь кунини иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди.

Илгари туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Йўлдошбой Аҳмедович Тожибоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Раҳмат Ҳикматович Ҳикматов Янгийўл тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Умнат Маматкулович Мирзакулов сўзга чиқди.

Ғалла — 2003

ЎРИМ-ЙИҒИМ КОНВЕЙЕРИ

аниқ дастур асосида пухта ишлаётгани туфайли кундалик суръат юқори бўлмоқда

Вилоятимиз ғаллакорлари бу йил 115 минг гектар суғориладиган майдонда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Вилоят ҳокимининг пишиб етилган дон-



(Давоми 3-бетда).

28 июнь — Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини

«ВИЛОЯТМАТЛУБОТСАВДО» - ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Бугун вилоятимиз бўйлаб сафарга отланиб қайси йўналишда йўл юрманг, обод ва кўркем кишлоқлар, шаҳарчалар ва йирик-йирик саноат марказларидан ўтасиз. Ҳамма ерда савдо қизғин бораётган дўконларга, умумий овқатланиш корхоналарига, хизмат кўрсатиш устахоналарига кўзингиз тушади.

(Давоми 2-бетда).

Болалар спортга эътибор

ТАШКИЛОТЧИ

Эркин Эргашевнинг саъй-ҳаракати билан Пскент туманидаги 7-умумтаълим мактабининг спарт зали керакли ускуналар билан жиҳозланди

Ҳар бир инсон фидойи ва ташкилотчи бўлса, унинг қилган ишлари дарров кўзга ташланади. Агар у киши ўқитувчи бўлиб

хизмат қилса, ўз-ўзидан шу мактаб фаолияти унинг фанига йўналтирилади. Пскент туманидаги 7-умумтаълим мактабига кири-

(Давоми 6-бетда).

ЎЗБЕК ОЛИМИ «XXI АСРНИНГ БУЮК КИШИЛАРИ» РЎЙХАТИДА

Буюк Британиядаги Кембриж Халқаро биография маркази томонидан чоп этилган "XXI асрнинг буюк кишилари" рўйхатидан ўзбек олими, академик Назар Тўраевнинг номи ҳам ўрин олди.

Мазкур китобга дунё бўйича икки минг нафар таниқли олим, фан, жамоат ва давлат арбоби киритилган. Шулар сафида атом физикаси соҳасида кўп йиллар давомида илмий изланиш олиб борган Н.Тўраевнинг ҳам борлиги олимнинг илм-фан ривожини йўлидаги улкан хизматлари жаҳон микёсида эътироф этилаётганидан далolatдор.

У Ўзбекистон Фанлар академияси Илмий ўқув марказига раҳбарлик қилиш баробарида Электроника институти қаттиқ жисмлар билан атом заррачаларининг ўзаро таъсири лабораториясида илмий-тадқиқот олиб борапти. Бир қанча етук шогирдларга устозлик қилаётган олим қаттиқ жисмлар сиртининг ўзига хос хусусиятларини атом заррачалари ёрдамида ўрганиш назариясини яратиб, фанимиз ривожига салмоқли улуш қўшди. Бу кашфиёт янги энергия манбаларини излаб топишда муҳим аҳамият касб этади.

Уч юзга яқин илмий рисола ва монографиялар муаллифи Н.Тўраевнинг голландиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда яратган "Атом заррачаларининг қаттиқ жисмлар сиртида тўқнашуви" мавзудаги китоби илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

28 июнь — Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни

«ВИЛОЯТМАТЛУБОТСАВДО» - ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

— Ҳозирги кунда бизнинг тизимимизда 1210 та дўкон аҳолига хизмат кўрсатаёпти, — деди вилоятимиз «Матлубот-савдо» ҳиссадорлик компаниясининг бошқарув раиси Қудратилла Маҳаммаджонов. — Олти ойликда ялпи савдо ҳажми 5 миллиард 200 миллион сўмга етиши кутилмоқда. Тадбиркорларимиз марказлашмаган манбалардан маҳсулот олиб келиб, аҳолига кўрсатилаётган савдо хизматининг ҳажми шу муддатда 1,5 миллиард сўмликка яқинлашиб борди.

Ишни ташкил этишда янги-ча тамойиллар тобора ўз ҳукмига киряпти. Биз савдо ярмаркаларида иштирок этиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан 2003 йил учун 1 миллиард 120 миллион сўмлик маҳсулот олиб сотиш юзасидан шартномалар туздик. Бунинг 537 миллион сўмлик қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган пойабзал, бошқа кийим-кечакларнинг сифати муттасил яхшиланиб бораётгани учун харидорларда уларга қизиқиш катта бўляпти. Шунинг билан 106 миллион сўмлик пойабзал олиб сотиш учун шартнома туздик. Шу нарса қувончлики, ёлғиз Тошкент туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Р. Мажидов билан эркаклар пойабзали етказиб бериш юзасидан тузган шартномамиз ҳажми 4 миллион 150 минг сўмликка етди. Ви-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лоятимизнинг олис-яқин қишлоқларида бу тадбиркор қўлидан чиқаётган оёқ кийимларининг савдоси чаққон бўляпти. Шунингдек, биз олдиндан пул ўтказиш йўли билан маҳсулот олиб савдога чиқариш учун «Малика» очик акциядорлик жамияти, Олмалиқдаги гилам ва мебель ишлаб чиқарувчи, Чирчиқдаги «Фунча» ва «Кибо» пойабзал корхоналари билан ҳам шартнома асосида ҳамкорликни йил сайин кенгайтирмоқдамиз.

Савдо қўламларининг ортиб боришида дўконларни кўришли, кўркам қилиш, маҳсулотларни бежирим жойлаштириш ва рекламанинг ўрни

ҳам катта. Ўтган йили биз асосий фондларни кенгайтиришга режадагидан деярли икки баробар кўп — 84,3 миллион сўм маблағ сарфладик. Бир йилда ишлаб турган дўконларимиз қаторига жами майдони 404 квадрат метр сахли саккизта дўкон, 276 ўринли тўртта ошхона қўшилди. Ҳозирги пайтда савдо тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш учун қизгин иш олиб борилмоқда. Ўтган олти ой ичида 155 дўкон жорий ва капитал таъмирланиб, янги ускуналар билан жиҳозланди.

Натижада савдо маданияти кўтарилмоқда. Харидорларга хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланяпти. Кейинги пайтда

- Тошкент вилоятида бугунги кунда 3800 га яқин дўкон орқали савдо-сотиқ олиб борилаёттир.
- 4560 корхона вилоят аҳолисига савдо ва маиший хизмат кўрсатмоқда.
- Бугун шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ўн мингдан ортиқ маиший хизмат корхоналари ходимларининг кундалик хизматларидан баҳраманд бўляпти.
- Йил бошидан буён вилоятимизда 45 та янги дўкон, 6 та гузар ва 182 та маиший хизмат корхонаси иш бошлади.

«Ҳамшира — 2003»

ГАВҲАРОЙ ҒОЛИБ

Бўка тумани марказий маданият саройида «Ҳамшира — 2003» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш, маданият ишлари бўлимлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган ушбу кўрик-танловда топқир ва зийрак, эркин фикрли ҳамда ўз касбига садоқатли ёш ҳамширалар беллашдилар.

Яқуний натижаларга кўра марказий касалхона терапия бўлимининг ҳамшираси Гавҳарой Маназарова биринчи, юкумли касалликлар бўлими ҳамшираси Маҳфуза Жиянбоева иккинчи, «Паркент» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Фароғат Дадабоевалар учинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Ғолибларга танлов ҳомиёларининг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

лар аниқланган.

Ана шундай боши берк кўчага кириб қолганлардан бири Андрей Ким. У жуда эрта гиёҳвандликка берилди. Ўзига ўхшаган ошналари билан жиноятга қўл урди. Аммо, ўзидаги ирода ва вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари ёрдами билан бунга барҳам берди, бу йўлдан қайтди. Бу ҳақда у фестивалда йиғилганларга гапириб берди ва ёшларни гиёҳвандлик йўлига қадам босмасликка даъват қилди.

Вилоят ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ташаббуси билан уюштирилган ушбу шоу «Биз XXI аср ёшлари — гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида ўтди.

Ўйингоҳда Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

Фестиваль давомида вилоятнинг ёш рассомлари томонидан чизилган гиёҳвандликнинг қандай бало эканлигини ифодаловчи расмлар кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни ўйингоҳга йиғилган 20 мингга яқин ёшлар гиёҳвандлик, унинг оқибатлари қайдаю, соғ-омон ана шундай хуррам давраларда юз кўришиш қайда эканлигини чуқур ҳис этдилар, ўзлари учун хулосалар чиқариб олдилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири
Е. БОТИРОВ олган суратлар.

қатор савдо тармоқларимизда хўжалик-маданий моллар билан савдо қилиш, китоб сотиш, «Болалар дунёси» бўлимларининг ташкил этилиши туфайли 54 янги иш ўрни очилди. Бекобод, Янгийўл, Зангиота, Тошкент ва Қибрай туманларида савдо кўлами кенгайиб, хизмат кўрсатиш даражаси тез суръат билан кўтарилиб бормоқда.

Биз аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўз корхоналаримизда истеъмол моллари ишлаб чиқариш микёсларини ҳам ошириб бормоқдамиз. Ўтган олти ой мобайнида 3,5 миллиард сўмлик шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, сотувга ўтказилди. Аҳолига 6,5 минг тонна нон, 501 тонна макарон маҳсулотлари, 57 минг деколитр салқин ичимликлар, 175 тонна қандолат маҳсулотлари етказиб бердик. Бу ишларни яна ҳам кенгроқ йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқариш қувватларимизни мунтазам ошириб бормоқдамиз. Чунончи, шу йилнинг ўзида бир сменада 0,5 тонна қандолат, бир кеча-кундузда 14 тонна нон ишлаб чиқарувчи янги қувватлар барпо этилиб, ишга туширилди.

— Бугунги касб байрами кунинда вилоятимизнинг барча савдо ходимларини қизгин қутлайман, — деди пировардида Қудратилла Маҳаммаджонович. — Халқимизга кўрсатаётган хизматининг савиясини муттасил ошириб бориб, янги-янги муваффақиятларга эришишингизга тилақдошимиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

Миллий матбуот марказида она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни сотиш бўйича халқаро қондалар мажмуи муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Бу тадбир ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг педиатрия илмий текшириш институти томонидан ташкил этилди. Унда республиканинг барча вилоятларидан мутахассислар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳамда вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Кўкрақдан эмизишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш дастури Марказий Осиё минтақасида 1993 йилда бошланган. Ҳозирги вақтда мазкур дастурнинг амалга оширилиши гўдаклар касалланиши ва ўлими кўрсаткичлари пасайишига ижобий таъсир кўрсатди. Кўкрақдан эмизиш дастури Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида жорий этилмоқда.

Мазкур кенгашнинг мақсади она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни сотиш бўйича халқаро қондалар мажмуини Ўзбекистонда жорий этиш стратегиясини ишлаб чиқишдир. Бу йўналишда иш режасини тайёрлаш ва келгусида болалар соғлигини яхшилашга қаратилган идораларо ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

(ЎЗА).

ЎЙИНГОҲДА ЁШЛАР КУНИ

Шундан сўнг спортчиларни қутлаш тананалари халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан уюштирилган шоу-фестивалга уланиб кетди. Бунда, албатта, ўзига хос бир рамзий маъно бор. Чунки ўйингоҳда савлат тўкиб турган спортчилар ҳар қандай кишида ҳавас туйғуларини уйғот. Иши табиий эди. Мақсад ҳам аслида шу — вилоят ёшларига уларни ўрнак қилиб кўрсатиш, шу орқали ёшлар ўртасидаги турли нохуш иллатларни, шу жумладан гиёҳвандлик балосини йўқ қилишга эришишдир.

Дарҳақиқат, бугун ер юзини ларзага солаётган ва инсонлар бошига турли кўргуликларни олиб келаётган офатлар қаторида гиёҳвандлик энг ашаддий вабога айланиб бормоқда. Айниқса, ёшларнинг билиб-билмай гиёҳвандликка ружу қўйиб қолиши турли касалликларнинг кўпайишига, уларда лоқайдликни кучайтириб, келажакка ишонч, юртга, халққа бўлган садоқат ва муҳаббатни сўндиришга олиб келмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Галла – 2003

ЎРИМ-ЙИҒИМ КОНВЕЙЕРИ

**аниқ дастур асосида пухта ишлаётгани туфайли
кундалик суръат юқори бўлмоқда**

ни қисқа муддатларда уюш-
қоқлик билан саранжомлаб
олиш тўғрисидаги қарорини
бекаму кўст ижро этиш мақ-
садида махсус ишчи комис-
сия тузилди ва ўрим-йиғим
тадбирлари ишлаб чиқилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни кунларда галла ўри-
ми қизгин паллага кирди.
Вилоят ҳокими раҳбарлиги-
даги ишчи комиссия кечаю
кундуз тинимсиз ҳаракатда
бўлиб, ўрим-йиғим давоми-
да юзага келаётган камчи-
лик ва муаммоларни жойи-
да ва вақтида ҳал этиб бор-

моқда. Шу боис 290 га яқин
дон комбайнлари, шу жум-
ладан, 170 га яқин «Кейс»
машиналари юксак унум би-
лан ишламоқда.

Ўрилаётган галла ҳосили-
ни пешма-пеш ташиш учун
1940 дан зиёд транспорт
воситалари, жумладан, 880

тадан кўпроқ юк автомаши-
налари ва 1055 та тиркама
жалб этилган. Комбайнлар
ва ўримга сафарбар қилин-
ган барча транспорт воси-
таларини ёнилги билан уз-
луксиз таъминлаш йўлга
қўйилди. Уларга техник хиз-
мат кўрсатиш ишлари бево-
сита галлазорларда ташкил
этилмоқда.

Галла ўримида аввалдан
пухта ҳозирлик кўрган туман
ва хўжаликлар кунлик суръ-
атда энг юқори натижалар-
га эришиб, бошқаларга
ўрناق бўлмоқда. Чунончи,
Бекобод, Чиноз, Қуйичирчиқ
туманлари шу кунгача шарт-
нома режасининг 20-50
фоизи миқдоридан дон тай-
ёрлаб, ўрим-йиғимда кар-
вонбошилиқ қилаётирлар.

ГАЛЛАНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК

*Ёнғин тилсиз ёв эканлиги ҳам-
мага маълум. Лекин, айримлар-
нинг лоқайдлиги, масъулиятсиз-
лиги сабабли галлазорларда
ёнғин чиқиши оқибатида хал-
қимизнинг ризқ-рўзи бўлган дон
қўлга айланиши ҳеч гап эмас.*

Шунинг учун Тошкент вило-
яти ИИБ ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси галла ўрим-йиғими-
ни талафотсиз ўтказиш учун
ёнғин хавфсизлиги қоидаларига
тўлиқ риоя қилиш муҳим аҳами-
ятга эга эканлигини эслатиб
ўтади. Аввало, мавсумда ёнғин
хавфсизлигини таъминлаш учун
жавобгар шахсларни тайинлаш,
майдонларни қўриқлаш учун ку-
затувчилар ажратилиши керак.

Ўрим-йиғимда қатнашадиган
барча техника воситалари мах-
сус комиссия томонидан ёнғин
назорати ходимлари иштироки-
да текширилди. Комбайнчилар,
уларнинг ёрдамчилари ва бошқа
механизаторлар, йиғим-теримга
жалб қилинган масъул ходимлар
ёнғинга қарши тўрт соатлик мах-
сус йўриқномани ўтдилар. Ком-
байн, трактор ва бошқа транс-
порт воситалари эса учкун ўчир-
гич ва бирламчи ўт ўчириш ан-
жомлари билан жиҳозланди.

Галла майдонлари комбайн-
нинг бир кунлик иш қуввати
ҳисобга олинган ҳолда пайкал-
ларга бўлиниши, пайкаллар ора-
си 8 метр кенгликда ўрилиб,
ҳосили йиғиштириб олинishi ва
ўртасидан камида 4 метр кен-
ликда шудгорланиши зарур.

Шунингдек, галлазорларнинг
автомобиль ва темир йўлларга
туташ ёнлари 4 метрдан кам
бўлмаган кенгликда ўриб оли-
ниб, ҳайдаб қўйилади.

Галлазорларнинг вақтинча
дам олиш, овқатланиш жойлари
пайкаллардан камида 100 метр
масофада бўлиб, атрофи 4 метр
кенгликда шудгорланади ва шу
ерда чекиш учун махсус жой аж-
ратилади.

Бугдойни қуритиш, вақтинча-
лик сақлаш хирмонлари ва ом-
борлари галлазорлардан 100
метр, бошқа бино ва қурилма-
лардан эса 50 метр узоқликда
бўлади. Уларнинг атрофи қуруқ
ўтлардан тозаланиб, 4 метр
кенгликда шудгорланади ва ҳар
200 квадрат метр майдонга бит-
та ёнғин ўчиргич, битта 200 литр
ҳажмли бочкада сув ва челақ
қўйилади.

Ўрим мавсумида кўнгилли ўт
ўчирувчилардан кузатувчи на-
батчилар тайинланиши, дала
шийпонлари ёнғин ҳақида хабар
берувчи воситалар (сирена ёки
темир парчалар) билан таъмин-
ланиши шарт.

Дилмурод ХОЛМУРОДОВ,
Вилоят ИИБ ёнғин
хавфсизлиги бошқармаси
муҳандиси.

КУНИГА ИККИ ЮЗ ТОННА

Бу йил Қуйичирчиқ туманида ҳам галла мўл бўлди.
Зеро, туман галлакорларининг ўрим-йиғимда илғор-
лар сафида бораётгани бежиз эмас. Бунда «Ўжакент»
ширкат хўжалигининг ҳам ҳиссаси катта. Ўттиз уч на-
фар оилавий пудратчи салкам 500 гектар майдонда
баракали галла етиштирди.

Айниқса, Собир Юсупов, Тожинисо Исломова каби
пудратчилар даласидаги ҳосил чўғи кишини қувонти-
ради. Улар гектаридан камида 53-55 центнердан хир-
мон кўтариши мўлжаллашмоқда.

Хўжалик галлазорларида ўрим-йиғим уюшқоқлик
билан олиб борилмоқда. Кунига 180-200 тонна дон
топширилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнга) пудратчи Собир Юсупов, бош
ҳосилот Рўзимат Асадов ва «Кейс» оператори Холмирза
Қаландаровлар галлазорда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Бекобод ва Бўка туманлари
билан изма-из вилоятимиз-
нинг бошқа минтақаларида
ҳам комбайнлар галлазорлар-
га чиқарилмоқда. Ширкат ва
фермер хўжаликларида ўрим-
йиғим суръати кун сайин
жадал тус олиб бормоқда.

Бу йил вилоятимизда 137
миг гектар майдонда галла
етиштирилди. Дала меҳнат-
кашлари 492 миг тонна гал-
лани ўриб-янчиб, омборларга
жамлаб олиш ҳаракатида.

Галлани қисқа муддатда ва
нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб
олишга вилоятимиз ички иш-
лар идораларининг ходимла-
ри ҳам муносиб ҳисса
қўшмоқдалар. Уларнинг бар-
ча саъй-ҳаракатларини муво-
фикаштириб бориш учун ви-
лоят ички ишлар бош-
қармасида «Галла-2003» шта-
би ташкил этилди. Галла
ўрим-йиғими мавсумига тай-
ёргарлик кўриш ва етишти-
рилган ҳосилни ўз вақтида но-
будгарчиликларсиз йиғишти-

БИР БОШОҚ ҲАМ НОБУД БЎЛМАЙДИ

риб олиб, давлат омборлари-
га ташиш, шу жараёнда жа-
моат тартибини сақлаш, та-
лон-тороқчиликларнинг олдини
олиш чора-тадбирлари амал-
га оширилаётир.

Мавсумга жалб этилган
барча фуқаролардан биринчи
навбатда ёнғин хавфсизлиги
қоидаларига қатъий риоя
қилиш талаб этилаётир.

Комбайн бошқарувчилари-
га ёнғин хавфсизлиги бўйича
йўриқномалар берилди. Хо-
димларимиз автомобиль ва
йўллар атрофидаги галла май-
донларида ёнғин хавфсизли-
ги қоидаларига риоя этилиши-
ни синчиклаб назорат қилиб
бормоқдалар.

Ёнғин чиқиши мумкин бўлган
шароитда галла ўрилаётган
майдонлар яқинида ҳайдов
тракторлари тайёр туриши таъ-
минланмоқда. Ўрим-йиғимга
жалб қилинган комбайнлар,
тракторлар, автомобиллар ва
бошқа ёрдамчи техникаларнинг
ёнғинга қарши биринчи ўт ў-
чириш воситалари текширувдан
ўтказилиб, сўнг далада ишлаш-
га рухсат этилаёпти.

Шу кунларда ходимларимиз
галлакорларнинг чинакам
ёрдамчилари, мадақкорларига
айландилар. Ички ишлар хиз-
мати ходимлари фермер
ҳамда ширкат хўжаликларида
бўлиб, механизатор ва ҳайдов-
чиларнинг билим малакалари-

ни, транспорт воситаларининг
тайёргарлик даражасини син-
чиклаб текшириб чиқаётирлар.

Ҳосил ўрим-йиғимида жа-
моат тартибини мустаҳкамлаш,
тарбиявий ишларни олиб бо-
риш ҳам диққатимиз маркази-
да. Ҳокимликлар, фуқаролар-
нинг ўзини ўзи бошқариш идо-
ралари, хўжаликларнинг масъ-
ул ходимлари иштирокида бе-
восита аҳоли ўртасида ташви-
қот-тарғибот ишлари қизгин
давом эттирилаётир. Ўримга
жалб қилинган ҳашарчилар
ўртасида ҳуқуқбузарликларга
йўл қўймаслик ҳаракатидамиз.

Доннинг бир донаси ҳам
дон. Галла — бойлигимиз,
дастурхонимиз кўрки. Уни
тўла-тўқис, нобуд қилмасдан
йиғиб олиш рўзгоримиз бут-
лиги, турмушимиз фаровонли-
ги, тўқинчилигимиз бош оми-
лидир. Галлани нобуд қилмас-
лик ҳаммамизнинг бурчимиз.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти ички
ишлар бошқармаси
бошлигининг ўринбосари.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида "Профес-
сионал менежмент дастури" бизнес курсини битирган тинг-
ловчиларга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон билан
Япония ўртасида ҳар томонлама
ҳамкорлик алоқалари тобора ри-
вожланиб бораётганлиги алоҳи-
да таъкидланди. Бунда Прези-
дентимиз Ислом Каримовнинг
2002 йилда Кунчиқар юртга таш-
рифи чоғида имзоланган ҳужжат-
лар муҳим асос бўлиб хизмат
қилмоқда.

Мазкур курсда ўз соҳаси бўйи-
ча муайян тажрибага эга бўлган,
хорижий тилларни яхши билади-
ган йигирмага яқин олий маълум-
отли ёш иқтисодчи беш ой да-

вомида иқтисод, бизнесни ривож-
лантириш билан боғлиқ ўн тўрт
йўналиш бўйича билим ва мала-
қасини оширди. Машғулотларни
япониялик ҳамда ўзбекистонлик
профессор-ўқитувчилар, етакчи
мутахассислар олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош вазирининг ўринбо-
сари, ташқи иқтисодий алоқалар
агентлиги раиси Элёр Ганиев,
Япониянинг мамлакатимиздаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси
Акио Кавато иштирок этди.

(ЎЗА).

Тошкент давлат юридик
институтини ҳузурда АҚШ
давлат департаментининг
демократия, инсон ҳуқуқла-
ри ва меҳнат масалалари
бўйича бошқармаси тақдим
этган грант асосида Марка-
зий Европа ва Евроосиё
ҳуқуқий ташаббус лойиҳаси
ҳамкорлигида инсон ҳуқуқла-
ри бўйича клиника - тала-
балар маркази очилган эди.

Ўтган бир йил давомида маз-
кур марказда таҳсил олган та-
лабалар инсон ҳуқуқларига оид
халқаро меъёрлар, миллий
қонунчилигимиз асослари, адво-
катура соҳасига оид билим олиб,
суд амалиёти кўникма ва маҳо-

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИЛАРИГА

ратини янада оширди.

Айни вақтда марказ фуқаро-
ларга, асосан, аҳолининг кам
таъминланган қатламга инсон
ҳуқуқлари масалалари бўйича
бепул ҳуқуқий кўмак беришда
ҳам фаоллик кўрсатяпти. Кейин-
ги беш ой давомида клиникага
120 га яқин мурожаат келиб туш-
ди. Талабалар уларнинг ҳар бири
билан алоҳида шуғулланди. Мав-
жуд муаммонинг ечимини топиш-
га астойдил ҳаракат қилиб,
кўпчиликнинг қорига яради.

Жорий йилда Очиқ жамият
институтини (Сорос жамғармаси)
Инсон ҳуқуқлари бўйича тала-

балар ўртасида ўтказган халқа-
ро танловда клиниканинг изла-
нувчан талабаларидан уч нафа-
ри махсус ютуқ соҳиби бўлди.
Марказнинг яна икки аъзоси
Филип Жессап кубогининг хал-
қаро ҳуқуқ бўйича миллий му-
собақаларида голибликни қўлга
киритди.

Шу муносабат билан Тошкент
давлат юридик институтини
бўлиб ўтган тантанали тадбирда
клиниканинг илк битирувчилари-
га махсус сертификатлар топши-
рилди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Dushanba 30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
9.30 «Сихат-саломатлик»
9.50 «Инжиқ малика»
Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин занжир»
Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолгу оркестрининг концерти.
11.55, 12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан»

кўрсатувгача».
«Болалар сайёраси»:
12.30 1. «Болалар ва катталар».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.30 ТВ клип.
13.40 Болалар спорти: Спорт кийимлари.
14.10 Кундузги сеанс: «Аршин мол-олон». Бадий фильм.
15.30 «Калб гавҳари».
15.50 «Камила». Телесериал.
16.20 «Яхшилик». Телешоу.
17.05 «Покахонтас». Мультсериал.
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Ўзбектеlevision» намоиши: Ўзбек спорти жаҳон майдонида: «Пусандаги медаллар ёғдуси».
18.40 «Дунёқараш».

18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 ТВ клип.
22.05 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли сериал.
22.25 «Ахборот-дайжест».
22.45-22.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.25 Кўрсатувлар дастури.

16.30 «Давр» ҳафта ичида.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
17.20 «Кулупнайнинг тугилган куни». Мультфильм.
17.45 Ракурс.
18.05 Белида белбоғи борлар.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Сув - ҳаёт манбаи.
19.55 Меҳр кўзда.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.50, 22.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.15 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал. «Гиннес-шоу».

21.40 Хусусийлаштириш: кадам-бакадам.
22.20 «Аvtо-news».
22.15 «Ораста шахрим».
22.35 «Тамарахоним» телевизион фильм.
23.20 Кинонигоҳ. «Тузоқ».
1.45-1.50 Хайрли тун, шахрим.

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Уимблдон теннис турнири».
16.55 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 А. Абдулов «Муз»

даври» сериалида.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Аншлаг».
22.30 «Ахборот» (рус тилида)
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал
16.55гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кириш ойна орқали». 1-сери. 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Бизнинг шахарлик йигитлар». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Шубҳа остидаги айбдор шахс». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba 1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Ўзбек таомлари».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Оқ бўталoқ». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Бувам, Клиан ва мен». Бадий фильм.
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25, 12.45, 13.10 ТВ анонс.
12.30 «Дунёқараш».
12.50 «Бир умр ҳамроҳим». Спорт дастури.
13.15 «Иқтидор». Интеллектуал теле-

ўйин.
13.50 ТВ клип.
14.10 «Портретга чизгилар».
14.30 «Мусикий мерос».
15.05 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
15.35 1. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
2. «Кўшигим - жон кўшигим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Шум бола». Ҳажвий киножурнал.
18.20 Репортаж.
18.25 «Баркамол авлод орзуси».
18.45 «Олтин бешик».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила».
21.55 «Тарих кўзгуси».
22.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» - «Сурхон».
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 1 - қисм.
10.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Хар соҳага саёҳат, Мультфильм.
10.55 Бизнес - академия.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 Жар ёқасида.
12.40 Белида белбоғи

борлар.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экранни: «Самовий саргузаштлар» 13 - қисм.
13.35 Менинг маҳаллам.
13.55 Интерфутбол.
15.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.20 ТВ - анонс.
16.25 «Алл йигитнинг уйланиши». Бадий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод.
17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Антиқа томоша». Хужжатли фильм 4-қисм.
20.20 Мусикий лаҳза-

лар.
20.25 Марди майдон.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 Муголаа. Миртемир.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.50-23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Ҳимоя».
18.30, 20.00, 21.20, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хамшаҳарлар».
19.15 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал. «Гиннес-шоу».

21.40 «Туризм ҳақида».
22.35 Кинонигоҳ. «Маккензи ороли».
23.55-24.00 Хайрли тун, шахрим.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ.
6.30-8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Уимблдон теннис турнири».
16.55 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.20 Е. Шифрин «Қабиламиз қахрамони».
17.55 М. Зудина «Саҳна ортида». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 А. Абдулов «Муз даври» сериалида.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Х-спорт».
22.00 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.10 Кинематограф. «Маҳзун қалблар меҳмонхонаси».

Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Шубҳа остидаги айбдор шахс». Драма. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт». 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кириш ойна орқали». 2-сери. 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Бешикчи фаришта». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Улар тирик». 23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba 2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Баркамол авлод орзуси».
9.20 «Шарқ тароналари».
9.40 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Петербурглик чиновник». Бадий фильм.
11.50, 16.45 ТВ клип.
12.05 «Рангин дунё».
12.20, 13.55 ТВ анонс.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
12.25 1. «Қимматбаҳо совга». Мультфильм.
2. «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
13.00 «Қувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.

14.10 «Истеъмолчи».
14.30 «Бинафша ранг шар». Бадий фильм.
15.45 «Ягона оилада».
16.15 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Шоирлар - болаларга».
2. «Ёш юлдузлар».
18.10 «Акс-садо ҳақида эртақ». Мультфильм.
18.15 «Долзарб мавзу».
18.30 «Ажаб саодат эрур».
18.50 Бир жуфт кўшиқ.
19.00 «Қонун ва ижро».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист тахлили».
21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 Болалар спорти:

«Қишлоқда қайси спорт турини ривожлантирган маъқул?»
22.10 «Ифтихор».
22.35 ТВ клип.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» - интервью.
9.30 Тонгги сериал: «Доктор Финли». 2 - қисм.
10.20 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод.
10.40 «Мульттомоша».
10.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.10 «Гвадалупе». Телесериал.
11.50 Кинотақдим.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Антиқа томоша». Хужжатли фильм 4-қисм.
12.55 ТВ - анонс.

13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экранни: «Самовий саргузаштлар» 14 - қисм.
13.35 «Ақдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
14.00 Муголаа. Миртемир.
14.15 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
15.20 Автопатрул.
15.40 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.20 Болажон.
17.35 ТВ - анонс.
17.40 Қўли гул уста.
18.00 Кўнгли покнинг уйи обод.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Лабиринт.
20.00 Спорт-лото.
20.10 ТВ - анонс.
20.15 Мусикий лаҳзалар.
20.25 Чемпион сирлари.

20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 «Бунёдкор» ёшлар телекулиби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 21.20, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона».
19.15 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал. «Гиннес-шоу».
21.40 «Моҳир».
21.50 «Аёл-она, мураб-

бий, раҳбар» телекулиби.
22.35 Кинонигоҳ. «Изсиз кетган».
24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ.
6.30-8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Уимблдон теннис турнири».
16.55 «Евроњьюс» янгиликлари.
17.20 Е. Шифрин «Қабиламиз қахрамони».
17.55 М. Зудина «Саҳна ортида». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 А. Абдулов «Муз даври» сериалида.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Спорт технологи-яси».
22.05 «Ҳинд оҳанглари».
22.25 Кинематограф. «Ҳаммаси яхшилик

билан тугагани яхши». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Улар тирик». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Криминал бўлим». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Бизнинг шахарлик йигитлар». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Турмуш қуришди». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba 3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Шоирлар - болаларга».
2. «Ёш юлдузлар».
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ифтихор».
10.30 «Одам - амфибия». Бадий фильм.
12.05 «Нафосат гулшани».
12.25 «Шоҳ Эдип». Маннон Уйғур номидаги санъат институти битирувчилари ижросидаги спектакль премьераси.
13.45 Болалар спорти: «Қишлоқда қайси спорт турини ривож-

лантирган маъқул?»
14.10 «Журналист тахлили».
14.30 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Насаф» - «Навбахор».
16.00 «Камила». Телесериал.
16.30 «Оламини асранг!» Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Сеҳрли харфлар ороласи».
2. «Таътилдаги болалар».
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Соғлом она - соғлом бола».
18.30 «Яхши ният».

Телелоторея.
19.05 «Бир жиноят изидан».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 «Сарҳад билмас дўстлик».

22.35 ТВ клип.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 3 - қисм.
10.05 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
10.25 Болажон.

10.40 Қўли гул уста.
11.00 Тафаккур ёлқинлари.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Спорт - китъаси (рус тилида)
12.20 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.40 Бахтли болалик кўшиқлари.
12.50 Сув - ҳаёт манбаи.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экранни: «Самовий саргузаштлар» 15-қисм.
13.35 Ёшлар овози.
13.55 Интерфутбол.

15.35 Кўнгли покнинг уйи обод.
15.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.20 Болалар экранни «Чодир ҳаёл» («Ўзбектеlevision»)
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Кичкинтоймиз - гижингтоймиз.
17.30 Ҳазина.
17.40 Огоҳ.
17.55 Мусикий лаҳзалар.
18.05 Ракурс.
18.25 Табобат олами.
18.50 Олтин

мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интер-
вью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Мусикий лаҳза-
лар.
20.05 Ёшлар овози.
20.25 Мезон.
20.45, 21.30, 22.35
Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.35 Болалар спорти:
ахвол қандай?
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».

18.30, 20.00, 21.20,
22.25 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва маъсу-
лият».
19.05 «Ўзбектеелефильм»
студияси намойиш
этади: «Бахмал».
19.15 «ТТВда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
21.00 ТТВда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.40 «Умр йўлдоши».
22.10 «Эл хизматида».
22.50 Кинонигоҳ.

«Коломбо. Қайта
қурик».
24.00-00.05 Хайрли тун,
шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ.
6.30-8.00.
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Уимблдон
теннис турнири».
16.55 «Евроњьюс»
янгиликлари.
17.20 Е. Шифрин

«Қабиламит қахрамо-
ни».
17.55 М. Зудина «Саҳна
ортида». Сериал.
19.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Время».
20.35 А. Абдулов «Муз
даври» сериалида.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Ўқори техноло-
гиялар олами».
22.00 «Соккер клуб».
22.20 «Арт каталог».
22.40 FCN Ўзбекистон
янгиликлари (инглиз

тилида)
22.50 Кинематограф.
«Фаройиб рейс».
Бадий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус
тилида)
00.45 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15
«Пауэр Рейнджерс ёки куч-
ли реинжерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30-да спорт».
11.10 «Тез ёрдам». Сери-

ал. 12.00 «Турмуш
қуришди». 13.30 «У
қотиликни баён этди».
Телесериал. 15.00 Теле-
шоу. 16.50 «Ўзжаматли
сериал». 18.00 «30-ка-
нал» киноқошмои: «Ер
минус ноль». 19.30
«Ошиқона». Мусикий
дастур. 19.45 «Бизнинг
шаҳарлик йигитлар». Се-
риал. 21.05 «Клип-сов-
га». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кич-
кинтойлар!». 21.30 «30-
канал» киноқошмои. «Бо-
тинкаси жиққа хўл одам».
23.15 Спорт дастури.

JUMA

4

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли
ҳарфлар оролчаси».
2. «Таътилдаги бола-
лар».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Менинг сўнги
тангоим». Бадий
фильм.
11.40 Буюк аждодлари-
миз. «Пахлавон
Махмуд».
12.05 Мусикий танаф-
фус.
12.20 «Бир жиноят
изидан».
12.40 «13.55 ТВ
анонс».
12.45 «Олам». Телеаль-
манах.
13.15 «Сарҳад билмас

дўстлик».
13.35 «КиноТеатр».
14.10 Телемулоқот.
14.50 «Яшил водий
сари». Мультфильм.
15.50 «Озод юрт
одамлари».
16.10 «Камила». Телесе-
риал.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Қизикарли
учрашувлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.40 «Депутат».
18.10 «Ўзбектеелефильм»
намоиши: «Эхтирос-
ларга йўрилган уйин».
18.30 «Тафсилот».
18.45 «Олтин бешик».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эртакла-
ри».
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».

21.35 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Камила».
Телесериал.
22.05 «Спорт, спорт,
спорт».
22.20 «Оталар сўзи -
ақлнинг кўзи».
23.20 ТВ клип.
23.30 «Ахборот-дай-
жест».
23.50-23.55 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-интервью.
9.30 Тонги сериал
«Доктор Финли» 4 -
қисм.
10.20 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой-
миз - гижингтоймиз.
10.40 ТВ - анонс.
10.45 Огоҳ.
11.00 «Нақшлар жилоси»
(«Ўзбектеелефильм»)
11.10 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.

12.10 Болалар спорти:
ахвол қандай?
12.25 Бахтли болалик
кўшиқлари.
12.35 Мезон.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил
экрани: «Самовий
саргузаштлар» 16-
қисм.
13.35 Хуш келибсиз.
14.05 Интерфутбол.
15.40 «Ҳақиқат чегара-
си». Сериал.
16.05 Кўрсатувлар
дастури.
16.10 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Ҳамма нарса
билишни истайман.
16.50 Мехр кўзда.
17.30 Кишлоқдаги
тенгдошим.
17.50 «Давр» нигоҳи.
18.10 ТВ - анонс.
18.15 ТВ-Бинго милли-
онер. Телелотерея.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Аскар мактублари.
20.00 Азизим.
20.25 Мусикий лаҳза-
лар.
20.30, 21.15, 22.35

Эълонлар.
20.35 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.20 Биз билган ва
билмаган Америка.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс ва
тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
1.Ринг қироллари,
2.Футбол плюс.
0.15 Автосалтанат.
0.30-0.35 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 Болажонлар
экрани.
18.20, 20.00, 22.05,
23.20 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Билим» телеклу-
би.
19.15 ТТВда сериал.
«Айрилик азоби».
20.25 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
21.00 «Янги иқтисод».

Бевосита мулоқот.
21.45 ТТВда сериал
«Гиннес шоу».
22.25 2003 йил-Обод
маҳалла йили. «Саодат
калити».
23.45 Кинонигоҳ.
«Матильда».
1.05-1.10 Хайрли тун,
шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ.
6.30-8.00.
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Уимблдон теннис
турнири».
16.55 «Евроњьюс»
янгиликлари.
17.20 Ҳужжатли детек-
тив.
17.55 М. Зудина «Саҳна
ортида». Сериал.
18.00 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес ревью».
20.40 «Дурдаршан».
21.05 «Хит парад».
21.35 «Яшаш воситаси».
21.50 «Стиль».
22.00 «Бешинчи гилди-
рак».

22.10 Кинематограф.
«Ойлали». Бадий
фильм.
24.00 «Ахборот» (рус
тилида)
00.35 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15
«Пауэр Рейнджерс ёки куч-
ли реинжерлар» Сериал.
10.40 «Маърифий да-
стур». 11.10 «Тез ёрдам».
Сериал. 12.00 «Ботинка-
си жиққа хўл одам».
13.30 «У қотиликни баён
этди». Телесериал. 15.00
Телешоу. 16.00 «30» да
спорт. 16.50 «Ўзжаматли
сериал». 18.00 «30-
канал»да ринг қироллари.
18.50 Юмор дастури.
19.30 «Ошиқона». Муси-
кий дастур. 19.45 «Биз-
нинг шаҳарлик йигитлар».
Сериал. 21.05 «Клип-
совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кич-
кинтойлар!». 21.30 «30-
канал» киноқошмои.
«Шовқинсиз» 23.15 Спорт
дастури.

SHANBA

5

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Қизикарли
учрашувлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Олтин бешик».
10.40 «Бу турфа
олам».
11.30 «Маърифат».
Телеальманах.
11.50 «Маъна».
12.15 «Спорт, спорт,
спорт».
12.30, 15.25 ТВ анонс.
12.35 ТВ 1 кинотеатри:
«Ромео ва Жульетта».
Бадий фильм. 1-
қисм.
13.40 «Санъатга
бахшида умр».
14.00 «Ромео ва
Жульетта». Бадий
фильм. 2-қисм.
15.05 «Адабий жара-

ён».
15.30 «Ягона оилада».
16.00 «Ҳамма гап
шляпада». Мульт-
фильм.
16.15 «Чорраҳа».
16.35 ТВ клип.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Ёрилтош».
Ўзбек халқ эртаги
асосида.
2. «Покахонтас».
Мультсериал.
17.40 «Аския».
17.55 «Рангин дунё».
18.15 «Кишлоқ ҳақида
уйлар».
18.35 Бир жуфт кўшиқ.
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эртакла-
ри».
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 «Гап чиқди».
Телешоу.
21.50 Болалар спорти:
«Маҳалламиз стадио-
ни».
22.10 «Келин-куёв».
Телешоу.
23.00 «Ахборот-
дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.20 «Титаник».
Бадий фильм. 1-
қисм.
00.55-1.00 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Ҳамма нарса
билишни истайман.
10.20 Табобат оламида.
10.45 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.25 Бола тилидан.
11.55 Ринг қироллари.
12.45 Кутилмаган
мехмон.
13.05 «Аёл зоти».
Телесериал.
14.00 ТВ - анонс.

14.05 Кишлоқдаги
тенгдошим.
14.25 Жаҳон мусика
хазинасидан Жакомо
Луччини «Тоска»
операси.
17.00 Кўрсатувлар
дастури.
17.05 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма,
Келинг, танишайлик,
Мультфильм.
17.55 ТВ - анонс.
18.00 Саломатлик
сирлари.
18.20 Бизнес - акаде-
мия.
18.35 Ниқоб.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусикий лаҳза-
лар.
20.05 Юртим кўрки.
20.25, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.30 «Аёл зоти».
Телесериал.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.55 Кинотақдим.
23.15 «Кулгу қироли».
Бадий фильм.
1.00-1.05 Хайрли тун.

**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географи-
яси».
18.10, 20.55 «Экспресс»
телегазетаси.
18.15 «Афиша».
18.35 «Ўзбектеелефильм»
студияси намойиш
этади: «Кушлар».
18.50 «Мисли гавҳар».
19.05 ТТВда сериал.
«Гиннес-шоу».
19.25 «Этькикод».
19.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
20.15 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бакадам».
20.35 «Озод ва обод
юрт». Эфирда-
Тошкент тумани.
21.00 «Нима учун?»
21.30 Кинонигоҳ.
«Келажакка қайтиб».
1-қисм.
23.15-23.20 Хайрли тун,
шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.25 «Мультсеанс».
9.45 «Ишбилармон

кишилар».
10.05 Болалар соати:
«Шелкунчик». Мульт-
фильм.
11.15 «Экран зийнати
ва киймати».
11.35-12.35 Дўстлик
видеоанали: «Бағри
кенг Ўзбекистон»,
«Умид», «Немис
бўлишни истайди?»
16.25 Кўрсатувлар
тартиби.
16.30 «Билишни
истайман».
16.50 «Ҳикоя».
17.10 КВН-203. Пре-
мьер - лига.
18.55 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
20.00 «Время».
20.30 «Қийишқ кўзгу».
Е. Петросян тақлиф
этади.
22.20 «Сирасини
айтганда».
23.00 «Тенгдошлар».
23.30 «Ахборот» (рус

тилида)
00.05 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.45
«Телехамкор». 9.30 «Ден-
нис-шумтака». Мульт-
сериал. 10.00 Болалар
учун фильм. 11.30 «Маъ-
рифий дастур». 12.00
Ойлави кино. «Шовқин-
сиз». 13.40 Ҳужжатли се-
риал. 14.30 Ҳинд кино-
си. 17.00 Телеуйин. 18.10
«30-канал» киноқошмои:
«Совуқлик фактори».
19.45 «Ошиқона». Муси-
кий дастур. 20.00 «Во-
вочка». Сериал. 20.30
«Клип-совга». Телетаб-
рикнома. 21.05 «Провин-
циаллар». Сериал. 22.00
«30-канал»да киноқошом.
«Кўнғир тулки». 23.45
Мусикий дастур.

Yakshanba

6

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.20 «Болалар спорти:
«Маҳалламиз стадио-
ни».
9.40 «Кўшниллар».
«Нухот полвон».
Мультфильмлар.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа
олам».
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
12.55 ТВ 1 кинотеатри:
«Келининг отаси».
Бадий фильм.
14.25 «Гап чиқди».
Телешоу.
15.10 «Қирол шер».
Мультфильм.
16.40 ТВ клип.
16.50 «Портретга
чизгилар».
Ёзги таътил кунларида.

«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
2. «Улғайиш погонала-
ри».
3. «Покахонтас».
Мультсериал.
18.35 «Калб гавҳари».
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Тўртинчи ҳокими-
ят».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яхшилик».
Телешоу.
22.00 Телевизион
миниатюралар театри.
«Якшанба кинозали»:
22.25 «КиноТеатр».
22.45 «Титаник». Бадий
фильм. 2-қисм.
00.20-00.25 Ватан
тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион - дам
олиш дастури.
9.00 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма,
Келинг, танишайлик,
Мультфильм.
9.50 «Давр» - репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.40 ТВ - анонс.
10.45 «Килни қирқ
ёриб...» Интеллектуал
ўйин.
11.35 «Ёшлар» телекана-
лида ҳарбий-ватанпар-
варлик дастури: 1
Марди майдон 2.Аскар
мактублари.
12.15 Болалар экрани:
«Мульттомоша».
12.45 Кувноқ стартлар.
Телемусобақа.
13.15 «Аёл зоти».
Телесериал.
13.55 ФИФА (Футбол
ичида, футбол атрофи-
да)
14.35 «Ниҳол» муқофоти
совриндорлари
куйлайди.
14.50 «Экспедиция». Кўп
қисмли ҳужжатли
сериал.

15.40 Ойла тилсими.
16.05 Лабиринт.
16.30 Чемпион сирлари.
16.50 Кўҳна оҳанглар.
17.00 Азизим.
17.25 Кўрсатувлар
дастури.
17.30 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус, Бахтли
болалик, Мультфильм.
18.20 ТВ - анонс.
18.25 Спорт ҳафтанома-
си.
18.40 Ҳандалак плюс.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.50 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 «Антика томоша».
Ҳужжатли фильм 5-
қисм.
19.45 Ака-ука Мухсин ва
Яҳё Муминовлар
куйлайди.
20.05 Сув - ҳаёт
манбаи.
20.10, 20.55, 22.30
Эълонлар.
20.15 «Аёл зоти».
Телесериал.
21.00 «Заковат» интел-
лектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Сичкон ови».
Бадий фильм.
0.10 - 0.15 Хайрли тун.

**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.10, 21.05 «Экспресс»
телегазетаси.
19.15 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.45 «Жаҳон географи-
яси».
20.15 «TV плюс».
20.45 ТТВда сериал.
«Гиннес-шоу».
21.10 «Нима учун?»
гурухи тақдим этади:
«Шунақа гаплар».
Ҳажвий кўрсатув.
21.25 «Озод ва обод
юрт». Эфирда-
Ўқоричиқ тумани.
21.45 Кинонигоҳ.
«Келажакка қайтиб». 2-
қисм.
23.30-23.35 Хайрли тун,
шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдалари».
9.30 «Ҳамма уйдалиги-
да».
10.05 «Мультсеанс».

10.25 «Фан тайм».
10.35 «Кайфият».
Информацион-дам
олиш дастури.
12.05 «Лаззат сеҳри».
12.35 «Кувноқ инглиз
тили».
12.45 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бакадам».
13.05 «Ошхонада
инглизча гаплашамиз».
13.15 FCN Ўзбекистон
янгиликлари (инглиз
тилида)
13.25 «Парле ву
франсе?»
13.50 - 15.10 Дўстлик
видеоанали: «Дидар».
«Ватан сурури».
«Ўзбекистон - умумий
уйимиз», «Корейс
тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар
тартиби.
17.05 «Мультсеанс».
17.25 «Жаҳон рақслари».
17.50 «Дунёга назар».
18.10 Е. Петросян, Н.
Басков, М. Жванецкий,
И. Николаев, М.
Задорнов, О. Газманов
«Автордио - 10 йил»
концертда.
20.25 Кинематограф.
«Ребекка». Бадий

фильм.
22.40 Бокс. Свен
Оттке-Байрон
Митчел.
23.35 «Тахлилнома»
(рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 11.30, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумтака».
Мультсериал. 10.00 Бо-
лалар учун фильм. 12.00
Ойлави кино. «Кўнғир
тулки». 13.40 «Ўзжаматли
сериал». 14.30 Кундуз-
ги кинозал: «Тунингизга
хам кирмаган». 16.10
Дам олиш дастури. 16.40
Мусикий дастур. 17.00
Телеуйин. 18.10 «30-ка-
нал» киноқошмои: «Би-
тимсиз таваққал». 19.45
«Ошиқона». Мусикий
дастур. 20.00 «Вовочка».
Ҳажвий сериал. 20.30
«Клип-совга». Телетаб-
рикнома. 21.05 «Провин-
циаллар». Сериал. 22.00
«30-канал»да якшанба
кинқошмои. «Банқдаги
ўриллик». 23.40 Спорт
шарҳи.

Тошкент вилояти Ҳўжалик судининг 2003 йил 20
июндаги 11-03-05/563-сонли иши Аҳримига асосан,
Ўртачирчиқ туманидаги «Тўйтепа автобус таксома-
тор саройи» очиқ ҳиссадорлик жамиятига нисбатан
Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўриси-
да»ги (янги таҳрири) Қонунининг 28, 62, 65-модда-
ларига асосан банкротлик тамойили қўлланилиб,
кузатув жорий қилинди ва муваққат бошқарувчи этиб,
Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар иши-
лари худудий бошқармаси тугатиш бўлими бошлиғи
Олимжон Бозорович Қунишев тайинланди.
Маълумот учун телефонлар:
134-41-26, 132-07-05.



21-25 июнь кунлари Наманган шаҳрида Касаба уюшмаларига қарашли спорт мактабларининг 1987-1988 йилда туғилган тарбияланувчилари ўртасида футбол бўйича биринчилик бўлиб ўтди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан жами 14 жамоа куч синашди. Ўсмирлар ўртасида кечган беллашувларда вилоятимиз вакиллари андижонликлар устидан 3:0, Жиззах ҳамда Тошкент шаҳри жамоаларидан ҳам 1:0 ҳисобида устунликка эришишди. Финалда эса Наманган вилояти ёшларига ўйинни бой бериб, иккинчи совринли ўрин билан кифояландилар.

ЖАВОБ УЧРАШУВЛАРИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Футбол бўйича вилоят кубогининг ярим финал босқич ўйинлари давом этмоқда.

Ушбу поғонагача етиб келган Олмаликнинг «Металлург» клуби Оққўрғоннинг «Акмал» жамоасига қарши майдонга чиқиб, 4:2 ҳисобида устун келди. Кейинги жуптлик Чирчиқнинг «Кимёгар» ҳамда «Кибрай» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда 1:5 ҳисобида қибрайликларнинг қўли баланд келди.

Ҳал қилувчи жавоб учрашувлари 19 июлда бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

АГРАР УНИВЕРСИТЕТ СОВРИН СОҲИБИ

1989-1990 йилларда туғилган болалар ўртасида вилоят ҳокими соврини учун апрель ойидан бун давом этиб келаётган футбол мусобақалари нихоясига етди.

Унда 15 жамоа 3 гуруҳга бўлиниб баҳс юритди. Мусобақанинг финал қисмига ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа йўлланма олган эди. Афсуски, бундай ҳуқуқни қўлга киритган Ангрен шаҳри ва Бекобод тумани ёш

футболчиларига мутасаддилар томонидан шароит яратиб берилмаганлиги туфайли беллашувга кела олмадилар. Турнирда ТошДАУ, Олмалик шаҳри, Оққўрғон ҳамда Зангиота туманлари жамоалари Ўртачирчиқ туманидаги ўқув хўжалигининг ўйингоҳида ўзаро беллашишди.

Ҳоким совринини ТошДАУнинг ҳаваскор футболчилари қўлга киритишди. Иккинчи ўринни олмалиқликлар банд этган бўлса, учинчи соврин Зангиота тумани вакилларига теғди. Шунингдек, Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан «Энг

яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши хужумчи» ва «Тўпура» номинациялари зангиоталик Дмитрий Ким, оққўрғонлик Бобур Отахонов, олмалиқлик Бахтиёр Шоймардонов ва ТошДАУ жамоаси вакили Мурод Мирзақуловга топширилди.

Энди 1987-1988 йилда туғилган ҳаваскор футболчилар ўртасидаги худди шундай соврин учун кечадиган якуний босқич турнири Олмалик шаҳрида бўлиб ўтади.

Камол ФАЙРАТОВ.

Болалар спортга эътибор

шингиз билан деворларда осиглик турган спорт шиорлари, мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилиб, жаҳон миқёсида олтин медалларга сазовор бўлган спортчиларнинг партретларига кўзингиз тушади. Ўйлайсизки, бу мактаб спортга ихтисослашган деб, йўқ, аслида ундай эмас. Бу ишлар жисмоний тарбия ўқитувчиси Эркин Эргашевнинг ташкилотчилиги ва фидойилиги маҳсулидир.

Эркин спорт анжомлари етарли эмас деб, қўл қовуштириб ўтирмади. Маъмуриятдан алоҳида хона сўраб, ташландиқ темир-терсаклардан ўқувчилар учун ўндан ортиқ турли хилдаги тренажёрлар ясаптирди.

— Бундай анжомларни қандай қилиб ясадингиз? — деган саволимизга у, «Мен жисмоний тарбия институтини тугатганман. У ерда шундай тренажёрларда шуғулланар эдик. Шунинг учун ҳам уларнинг ўлчамлари ёдимда қолган. Уларнинг ҳар бир қисмини қоғозга тушириб, устага бераман. Кўнглимдагидек ясаб беради», деб жавоб берди. Шунингдек, у киши томонидан ўқувчиларда жисмоний тарбия дарсига қизиқиш уйғотиш учун мактабда

«Рекорд»лар китоби ташкил этилди. Унда ўқувчилар томонидан эришилган энг яхши кўрсаткичлар қайд этилади. Бу эса, спорт би-

ютер ёрдами билан саволларга болалар жавоб беради. Тестлар уларга ушбу фаннинг назарий жиҳатидан сабоқ беради. Яна

ТАШКИЛОТЧИ

Эркин Эргашевнинг саъй-ҳаракати билан Пскент туманидаги 7-умумтаълим мактабининг спорт зали керакли ускуналар билан жиҳозланди



лан шуғулланувчиларнинг янада ҳавасини орттиради. Чунки, мактабда бўлиб ўтадиган йиғилишларда юксак натижа кўрсатганларнинг номи айтиб ўтилади. Ўқитувчи жисмоний тарбия дарслари учун махсус тестлар ташкил этди. Компь-

шуниси диққатга сазоворки, оғир машғулотлар билан шуғулланиш мумкин бўлмаган болалардан махсус гуруҳлар тузилиб, енгил бадантарбия билан шуғуллантирилади.

— Бундай болаларни кўпроқ бу соҳага жалб

қилиш керак деб, ўйлайман. Яқинда мактабимизда икки нафар ўқувчига «умуртқа поғонаси қийшиқ, уларга дарс ўтиш мумкин эмас» деб маълумот ёзиб беришди. Лекин, уларни шундай ташлаб қўймадим. Шифокордан тегишли рухсат ва маслаҳатлар олиб, спортга жалб этдим. Бир йил ўтар-ўтмас тиббий кўрик уларни соғлиги жойида деб кўрсатма берди, — деди Эркин.

Яна бир тарафи шундаки, синфлар ўртасида ўзбек миллий ўйинлари бўйича ҳам ҳар йили мусобақа ташкиллаштирилади. Шуларда голиб бўлган ўқувчилардан «Умид нихоллари» спорт ўйинларининг енгил атлетика бўйича мактаб номзоди аниқланади. Мураббий шу кунларда спорт залини таъмирдан чиқариб, ўқув йилига тахт қилиб қўйди.

— Эндиги ниятим, теннис майдончасини қуриш, — деб сўзини якунлади устоз.

Кўриниб турибдики, болалар спортини ривожлантириш учун Эркин каби фидойи инсонлар керак. Агар кишида шу фазилат бўлмаса, кўплаб баҳоналар келиб чиқиши табиий. Бундай ишлар узоқ муддат ичидан ҳам амалга ошмайди.

Камолитдин АСҚАРОВ.

СУРАТДА: Эркин Эргашев ўқувчилар даврасида.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАИОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 30 июль ва 6, 13, 20, 27 август кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қаранкул кўрғонида жойлашган «Қаранкул» қурилиши тугалланмаган дам олиш оромгоҳи.

Бошлангич баҳоси — 29 621 400 сўм.

2. Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармасига қарашли «Нексия» русумли, давлат рақами 10 AN 065 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқрилган автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 1 249 480 сўм.

3. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясига қарашли «Дамас» русумли, давлат рақами 11 AD 385 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Техник носоз.

Бошлангич баҳоси — 829 100 сўм.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат орденини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридagi маблағ ва баҳолаш хизмат хақи алоҳида «Хусусийлаштиришга қўмаклашувчи консалтинг маркази» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг 1-қавати.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўшаб қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

1. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун

Чирчиқ шаҳрида 1 та ўрин
Бекобод шаҳрида 1 та ўрин
Ангрен шаҳрида 1 та ўрин
Ангрен шаҳрида (Янгиобод нотариал округига) --- 1 та ўрин

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимлари учун

Оҳангарон шаҳрида 1 та ўрин
Чиноз туманида 1 та ўрин
Қуйичирчиқ туманида 1 та ўрин

Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.



ОҚИЛОНА ЙЎЛ ЯХШИ

АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимолий Кореяни ядровий борасидаги ишларини қораловчи баёнотни қабул қилишга чақирди. Вашингтон томонидан тавсия этилган мазкур баёнотнинг хомаки нусхасида Пхеньяндан ядровий қурол ишлаб чиқариш дастурини тўлиқ ва бутунлай йўққа чиқариш, бу хатти-ҳаракатни тасдиқлайдиган далилларни исботловчи ҳужжатларни эълон қилиш ҳамда халқаро ядровий хавфсизлик маҳкамалари кўрсатмаларига бўйсиниш талаб этилди, дейилди «Лента-РУ» ахборотида.

АҚШнинг бундай ташвишининг сабаблари бор. Чунки, бир муддат илгари «Корея ва Америка ўртасида тинчлик учун» Шимолий Корея сиёсий Марказининг ижрочи директори Ким Мёнг Чол КХДРнинг ядровий қурол тўғрисидаги аввалги гапларидан мутлақо фарқ қиладиган баёнот берган эди. Австралиянинг 9-телеканални орқали эшиттирилган баёнотида у КХДРнинг ер ости омборларида камиди 100 дан зиёд ядровий каллақлар борлигини эътироф этди. Улар 1994 йил яъни унинг мамлакати ялпи қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани имзолагунча бўлган даврда ишлаб чиқарилган экан.

Шарҳловчи минбари

ИРОҚ ОПЕК ДАН ЧИҚМОҚЧИ ЭМАС

Саддам Хусайн тузуми барҳам топгач, Ироқнинг нефт экспорт қилувчи мамлакатлар (ОПЕК) ташкилотидан чиқиб кетиши ҳақидаги гап-сўзлар кўпая бошлаган эди. Бироқ мамлакатда ҳаёт изга тушиб боргани сари бу масала ҳам ойдинлашмоқда.

Куни кеча Иорданияда бўлиб ўтган халқаро иқтисодий форумда иштирок этган Ироқ нефт вазири вазирасини бажариб турган Аббос Гадбан журналистларга мамлакатнинг ОПЕКдан чиқиш нияти йўқлигини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ОПЕК аъзоларининг мазкур масаладаги ҳавотири ўринсиз. Шунингдек, у Ироқнинг энергетика соҳасидаги асосий муаммоси хавфсизлик масаласи бўлиб турибди, деди.

Аббос Гадбан аввал ҳам Ироқнинг нефт соҳасидаги сиёсати очик бўлишини таъкидлаб, коалиция кучларининг нефт қувурларини кўриқлаш борасида зарур чоралар кўраётганини маълум қилган эди. Дарҳақиқат, мазкур ҳафтада нефт магистралларини муҳофаза қилиш борасида сезиларли қадамлар ташланди.

Умуман, режа бўйича июнь ойининг охиригача Ироқда кунлик нефт қазиб олиш кўрсаткичини 1,5 миллион баррелга етказиш мўлжалланган. Йилнинг охиригача эса бу рақам кунига 2 миллион баррелни ташкил этиши керак. АҚШ давлат котибининг ўринбосари Алан Ларсоннинг таъкидлашича, йилнинг охиригача Ироққа нефт савдосидан 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келиши керак, келаси йил эса бу 16 миллиард АҚШ долларига етказилади.

Шунингдек, БМТнинг Тарақ-

қиёт дастури (ПРООН) вакили Марк Браун Ироқни қайта тиклаш масалаларига бағишланган норасмий учрашувда Бағдоднинг нефт захираларидан ташқари бошқа даромад манбалари ҳам мавжудлигини айтиб ўтди.

Мазкур учрашувга 52 мамлакатдан делегация ҳамда БМТ, Жаҳон банки ва АҚШ вакиллари иштирок этди. Учрашув иштирокчилари йилнинг охирига келиб донор мамлакатларнинг Ироқ бўйича конференциясини ўтказишга қарор қилди. М.Браун АҚШ ва Буюк Британиянинг Ироқдаги маъмуриятини конференция бошлангунга қадар Ироқ бюджетининг тахминий харажат қисмини тайёрлашга чақирди.

Ўз навбатида Ироққа ёрдам кўрсатиш бўйича БМТнинг мувофиқлаштирувчиси Рамеро Лопес да Силва Ироқда қонуний ҳукумат йўқлиги боис халқаро ҳамжамият мамлакатни қайта тиклашга кириша олмаётганини таъкидлаган. Унинг айтишича, ҳар қандай жараённинг бошланиши қонуний ҳукумат таркиб топиши билан боғлиқ бўлади.

Ироқнинг ўзида эса ҳаёт аста-секин изга тушиб бормоқда. Куни кеча Бағдоддаги Миллий стадионда Ироқнинг машҳур «Аз-Заура» футбол жамоаси билан АҚШ ҳарбийлари ўртасида учрашув уюштирилди. Натижа эса 11-0 ҳисобида ироқликлар фойдасига ҳал бўлди. Хавфсизлик нуктаи-назаридан ўйин томошабинларсиз ўтганига қарамай, натижа ироқлик чарм тўп усталарини гурурлантириб юборди. Зеро, Саддам Хусайн тузуми ағдарилгандан кейин илк бор ўтказилган мазкур ўйинда футболчилар ўзларини жуда эркин тутган. Авваллари Ироқ футболчилари омадсиз ўйнаса, калтакланарди. Чунки спортчиларни «калтаклаб тарбиялаш» Саддам Хусайннинг катта ўғли, Миллий Олимпия кўмитаси раҳбари Удейнинг энг севимли усули бўлган.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ГУУАМ ГУРУҲИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳафта бошида АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Ричард Л. Армитаж ГУУАМ гуруҳи вакиллари билан учрашув ўтказди. Бу ҳақда хабар берган АҚШ давлат Департаменти халқаро ахборотлар Бюроси мазкур мулоқотда Грузия, Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Молдова элчилари қатнашганлиги айтилади. Мазкур учрашувда минтақавий хавфсизлик, иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш, тижорат, транспорт, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш идоралари муносабатларини ривожлантиришнинг кўп томонлама лойиҳалари, шунингдек, жорий йилнинг 3-4 июлида Ялта шаҳрида бўладиган АҚШ ва ГУУАМ гуруҳи давлатлари раҳбарларининг саммитига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди. Ўз навбатида элчилар АҚШ билан ГУУАМ гуруҳи мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик бутун минтақа ривожига ижобий таъсир кўрсатажаклигини қайд қилдилар.

ТЕМЗА СОҲИЛИДА МУЗОКАРАЛАР

Ўтган сешанба куни бошланган ўзгача бир сафар жаҳон оммавий ахборот воситаларининг биринчи саҳифаларидан ўрин олди. Гап Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг Буюк Британияга давлат ташрифи тўғрисида эди. Давлат раҳбарларининг турли мамлакатларга сафарлари кўп бўлади. Лекин, расмий, амалий ташрифлардан давлат ташрифи батамом фарқ қилади.

В. Путиннинг ташрифи сўнгги 159 йил ичида қилинган дастлабки ташриф бўлди. Ундан олдин Бирлашган Қиролликка Россиянинг Пётр I, Александр, Николай I каби подшоҳларигина сафар қилган эдилар. Эндиликда РФ президенти киролича Елизаветта IIнинг таклифи билан Англияга келди. Мазкур сафар, табиийки, катта қизиқиш уйғотди. Учрашув чоғларида долзарб халқаро масалалар, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларни ривожлантириш муаммолари устида фикр юритилди. Таомилга биноан РФ президенти В. Путин Буюк Британияда тўрт кун турди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Анчадан буён Европа Иттифоқининг Конституциясини яратиш устида гап борар эди. Ниҳоят ўша кун етиб келди. Мазкур асосий қонун устида машҳур дипломат, уста сиёсатчи, Франциянинг собиқ президенти 77 яшар Валери Жискар дъЭстен 16 ой ишлади. Грециянинг «иккинчи пойтахти» Салоникадан унча узоқ бўлмаган Порто-Каррас деб аталган дам олиш манзилгоҳида тўпланган Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг раҳбарлари ўз саммитида ушбу қомуснинг дастлабки нусхасини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Уни қабул қилиш учун Европа Иттифоқининг 15 аъзоси ҳамда 2004 йилда мазкур ташкилотга қабул қилинадиган 10 давлатнинг раҳбарлари Европа Иттифоқи Конституциясини ёқлаб овоз бердилар.

БОЛА БИРОВНИКИ ЭКАН



Россиянинг Кемерово вилоятида яшовчи аёл маҳаллий туғруқхона ходимларини судга бериб, маънавий зарар учун миллион рубл тўлашларини талаб қилмоқда. Ушбу аёл уч йил муқаддам туғруқхонада унга бировнинг боласини беришгани ва шу вақтгача болани ўзиники деб тарбиялаб келганини билиб қолди.

2000 йилда 20 ёшли аёл қиз кўрди. Туғруқхона унга олти кун давомида эмизига битта гўдакни олиб келишган ва

ўша болани аёл уйига олиб кетиб, тарбиялаган.

Янги туғилган қизчасини отаси тан олмагач, онаси алимент талаб қилганида отаси қизининг отаси айнан у эканини тасдиқлашни талаб қилган. Қонларни текширишга тўғри келди. Ва, натижада қизга нафақат отасининг, балки, онасининг ҳам ҳеч қандай яқинлиги йўқ бўлиб чиқди.

Ҳаяжонга тушган аёл болани туғруқхонада алмаштириб қўйишганини тушунди ва судга мурожаат қилди. Бироқ, жиноий иш кўзгатилмади, бу шунчаки, «ишга одатий лоқайдлик», бу ерда ҳеч қандай гараз ният бўлмаган, деган қарорга келишди.

Эндиликда аёл ўз қизини қидирмоқда, аммо, тарбиялаб ўстирганини ҳам беришни истамапти. Ахир, уни уч йил бағрида катта қилган-да...

АЖРАЛИШ КЕРАК, АЖРАЛИШ...

2008 йилги Олимпиадага тайёргарлик ишлари авж олиб борар экан, Пекинда эски беш қаватли уйларни бузишга киришилди. Уй эгаларига янги турар жойлар ажратилмоқда. Ажрашган аёлларга алоҳида уй ва янги жойга ўрганиб кетишлари учун 8 минг доллар миқдорида ёрдам пули берилмоқда.

Кўплаб оилалар бу имкониятдан фойдаланиб қолишга қарор қилишди. Янги туманларда ҳозир ҳақиқий ажралиш вас-васаси кузатилмоқда. Ҳар куни юздан ортқ аёллар эрлари билан «бир-бирларини тушунолмаганликлари учун» ажрашишаётгани ҳақида ариза беришмоқда. Улар орасида ёши 60 дан ошган ва ҳаётининг ярмини никоҳда ўтказган одамлар ҳам бор.

БОСҚИНЧИНИ ЧАЛФИТИБ

Америкалик 23 ёшли Жулиуз Кирни банкни ўмаришга уриниб, залга кириб чўнтагида тўппончаси борлигини эълон қилди. Пулларни талаб қилганида, уни газначилар масхаралишиб, ҳамма пулларни ҳозиргина олиб кетишганини айтишди. Банк ходимларидан икки нафари йигитчадан қуролни кўрсатишни илтимос қилди, у бош тортиганида ҳам унинг устидан роса қулишди.

Пуллар солинган қопларни бериш талабига жавобан газначиларнинг бири унга ҳисоб очиш шартномаларининг бир ўрамини узатди ва пулларни олиб кетишдан олдин уларни банкка қўйсанг, яхши бўларди, деди. Банк ходимлари босқинчини мазаҳ қилгунларигача полиция ҳам етиб келди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



Прага.

«МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ»

Бир неча йилдирки, истиклол байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Бадиий академия, Республика ногиронлар жамияти, АҚШнинг "Ёнгра" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Мафтункор ранглар дунёси" фестивалини ўтказиб келмоқда.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида танловнинг худудий босқичи бошланди. Эътиборга молик жиҳати, мазкур танлов-

да нафақат юртимиздан, балки Марказий Осиё давлатларидан ҳам болалар ўзи чизган расмлари билан иштирок этади. Кўрик-танлов тиббий кўмакка

муҳтож ўғил-қизларнинг истеъдодини аниқлаш, юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрнини топишига кўмаклашишда муҳим аҳамиятга эга.

Танловнинг якуний босқичи 30 июль – 1 август кунлари Тошкент вилоятининг Йиқ ота жамоа хўжалигида бўлиб ўтади. Тадбир доирасида болаликдан ногиронлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар ташкил этилади. Унда кўтарилган

мавзуга оид масалалар ечими атрофлича муҳокама қилинади. Қолаверса, бу йил тиббий кўмакка муҳтож болалар меҳмонхонада шифокор-мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиши, заруратга қараб ногиронлар аравачаси ва бошқа воситалар билан таъминланиши кўзда тутилган.

Кўрик-танлов доирасида мамлакатимиз мусаввирларининг асарлари кўргазмаси, эстрада юлдузлари ва ихрочи ёшларнинг концертлари ҳам ўтказилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Сукунат... Жимжитлик қаърида икки киши тиллашмоқда... Дил сўзлайди, кўз йиғлайди. Афсус, армон ва надоматдан ёқа вайрон. Холи забун Нажотбек бугун онаизорининг қабрига бош уриб келди... Қандоқ келмасин, ахир бутун жони жаҳонини мана шу ўғли учун бахшида этган эди-ку, онаси...

Нажотбек оилада тўртинчи фарзанд, аммо узоқ кутилган ягона ўғил, отанинг таърифи билан айтганда зурриёди, авлоднинг давомчиси эди. Қизларига кўрсатмаган меҳри, оқибатини фақат шу ўғилга бахш этганди отаси. Аммо, ўғлининг камолини кўриш насиб этмай, ўзи эрта кетди бу дунёдан этак силкиб. Туну кун эрининг чиройига тикилиб, қошқовоғига боқиб, Худойимдан «биттагина бўлса ҳам ўғил бергин, эримнинг кўнгли чўкмасин» дея илтижо қилган маъсума аёл кўз-ёшлари дарё бўлиб, тўрт фарзанди билан ёлғиз қолаверди.

Ҳали беш ёшга ҳам тўлмаган Нажотбек кўчадан югуриб кирди:

— Ойи, ойижон, ўртоқларим балиқ тутяпти, қармоқ олиб беринг.

— Ойи, чиройли балиқларни солиб кўйишга катта аквариум керак, олиб беринг.

— Ойи, ҳой, ойи, суратга олишни ўрганаман, фотоаппарат олиб беринг.

— Ойи, шу қизни олиб берсангиз, севиб қолдим.

Эҳ-ҳе, онаизор тилаб олган фарзандига нелар қилмади-я, ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдирди. Келини тушмагур ҳам яхши еб, яхши кийишга ўрганган эканми, энди икки кишининг хархашасини кўтарарди она шўрлик...

— Онажон, — деди бир куни катта қизи, — Нажотбекни жуда эркалатиб кўйдингиз-да, лоақал рўзгорини ҳам тузук-қуруқ эп-лолмайди. Кўйинг, ўзи ейдиган ош-овқатини ўзи олиб келсин.

— Кўй, болам, топган пули хотинини кийинтиришга ҳам етмаяпти, нима қилсин, болам. Унга ҳам осон эмас. Келинимнинг феъли чатоқ...

— Эҳ, онажон, вақтида айтганмиз-а, бу қиз сизга тўғри келмайди, деб. Ўзингиз ҳам бўш келдингиз-да...

— Нима қилай, жон қизим. Худойимдан тилаб олган ёлғиз ўғлим, кўнглига қарайман-да. Ахир, «укамиз бор» деб, севишиб юрасанлар-ку.

— Укамиз бор деб севинганимиз рост. Лекин ўғилнинг ҳам она, опа-сингиллар олдидаги бурчи, вазифаси бўлади-ку! Нега ўғлингиз фақат ўзини ўйлайди...

— Ойи, — деди Нажотбек бир куни, — биз бўлак чиқмоқчимиз. Келинингиз ишига яқин жойдан квартира кўриб кўйибди...

Онанинг вужуди, наинки вужуди, бутун шуури муз бўлиб қолгандек бўлди, ҳатто

шим ҳам инсофдан эмас, аслида.

— Хо-о, энди сиз инсофли, биз инсофсиз бўлдикми? Пешонам қурсин, ёлғиз ўғилга тегмай, мен ўлай. Менга мана шу икки қизим ҳам етади. Ёлғиз ўғил туққандан туғмаганим яхши!

Муштипар онанинг кўзларига ёш тўлди. Ҳовлида турган бўлса ҳам, ҳамма гапни эшитган, аниқроғи, бадбахт келин атайлаб эшитадиган қилиб гапирган эди.

Ҳақиқатан ҳам келиннинг ниятига тортдим, тўрт ойлик ҳомиласи тушиб қолди. Ўғил эканлигини билган, она-бола ўт, олов бўлиб ёнди, аммо келин сир бой бермади. Чунки, ўзи пиширган ош, бўлак чиқиш баҳонасида ул-булни кўтарган эди... Шушу улар бошқа фарзанд кўрмай икки қизни «аллада азиз, тўрвада магиз» қилиб катта қилишди. Онаизор ҳар замонда бир хабар оладиган ўғлининг йўлларини пойлай-пойлай ҳолдан тойди...

Онанинг маъракаларида эр-хотин тик туриб хизмат қилишди. Таъзияга келувчиларнинг кети узилмас, баъзи кунлари толиқиб қолган келин квартирасига ббришга мажбур қолмаётганлигидан нолиб, қолиб кетарди. Кейин, кўч-кўронини кўтариб, марҳум қайнонасининг чиройини ёқиб ўтириш учун қайтиб келди. Онаси тириклигида кўнгли тўқ юрган ўғил, энди хотинининг сўзлари, эркалигини кўтаролмас, борган сари айрилиқ юки елкасини босиб турарди. Шундай кунларнинг бирида бир яқин дўсти ўғил тўйига айтиб кетди. Хотини пардоз-андозини жойига кўйиб, тўйга тайёрланди. Аммо, Нажотбек қимирламас, хотинининг хатти-ҳаракатларини нафрат билан кузатарди.

— Ҳа, нега менга ўқраясиз! Бўлинг, кийининг, кеч қоляпмиз.

— Нимага кеч қоляпсан? Тўйга борсанми, сен-а, ўғил тўйига. Бор, боравер. Мен бормайман!

— Нима демоқчисиз, ўзи? Ўғлимиз бўлмаса мен айбдорманми? Ҳамма айб сизда! Тушундингизми!

— Аблах, ўғлимни сен ўлдирдинг, ёлғиз ўғил туғсам, туғмай кўяқолай девдинг, айтганинг бўлди. Кет, кўзимга кўринма!..

Нажотбек онасининг қабри бошида тонггача қолиб кетди. Уйига қайтгиси келмас, онажониси энди уни юпата олмас эди...

Сайёра РИХСИЕВА.



тили калимага айланмай қолди. Анчадан кейин хаёлига келган фикрдан бироз енгил тортгандек бўлди. «Буни ўғлимга хотини айтган, чиқиб кетайлик, деб. Бўлмаса, Нажотбегим, ёлғизим мени ташлаб кетишга кўзи қиймаган бўларди».

— Болажоним, менинг тилагим битта, сен оиланг билан тинч яшагин. Мендан хавотир олма, ана, опаларинг бор, кўни-қўшниллар бор, хабар олиб туришади.

Шу пайт келини кенжа қизини етаклаб хонасига ўтди. Бувисига талпинган қизчанинг қўллари ҳавода силкиниб, онасининг ортидан йиғлаб кирди. Қизини юпатмоқчи бўлиб уйига кирган Нажотбек хотинининг ўтли нигоҳи, қаҳрли юзидан тахтадек қотди:

— Нима, бўлак бўлсак, ўлдига чиқарарканми онангиз? Намунча «опаларинг», демаса? Биз келиб хабар олмас эканмизми?

— Э-э, кўйинг, усиз ҳам ойимни хафа қилдим, ёлғиз ўғил бўлсам. Бўлак чиқи-

Кўнглига
Нима
Этсин!

СЕНГА НИМА?

Бир куни Афандининг дўсти кўнглини кўтармоқчи бўлиб деди:

- Қара, Афанди, ош об-келяпти.

- Менга нима? - жавоб қилди Афанди.

- Ахир сизларникига олиб кетяпти, - такрорлади дўсти.

- Сенга нима? - жавоб қилди Афанди.

БУ ЕРДАН ҚУРУК КЕТАДИ

Афандининг яқин дўстларидан бири меҳмондорчиликка келди. Икки-уч соат ўтгач кетишга чоғланди ва эшиқдан чиқиб, эшагини ура кетди.

- Ўлганинг яхши! - бақирди у. - Мен сенга нимаки ортсам, барчасини кўтаришни хоҳламадигин. Мени энг қимматли дўстларим олдида шарманда қилдинг.

- Урма уни, - деди Афанди. - У кишлоқдан бизникига ҳеч нарса олиб келолмаптимиз, демак, бу ердан ҳам кишлоққа ҳеч нарса обкетолмайди.



Оҳ қандай мацца...

Bolalik bog'i

AKAM KONCHI

**Akam yigirma yoshda,
Ammo pahlavon konchi.
Quduqlar parmalashda
So'zin oqlagan konchi.
O'qishini bitirib,
Uch yilki, konda ishlar.
Suhbat qilsam o'tirib,
Dilda havasim oshar.
Kon haqida so'zlasa
Tanasi yayrab ketar.
Biron savol so'rasam
Bulbulday sayrab ketar.
Bir kun aytdi:
— Yur, Haydar,
Olib boraman konga.
Shu kuni turdim sahar,
Jo'nadik erta tongda.**

Yusuf SHOMANSUR.

Биласизми?

ОДАМГА ОШ ТУЗИ НИМАГА КЕРАК?

Инсон танаси – 47 литр сувдан иборат. Баъзи органларимиз ўзининг «серсув»лиги билан одамни ҳайрон қолдиради. Масалан, мушакларимизнинг 75, жигаримизнинг 70, буйрагимизнинг 83 фоизи сув!

Бироқ булар оддий сув эмас, улар – суюқлик. Яна ҳам аниқроғи тузли аралашма. Нега шундай? Баъзи олимларнинг фикрича, ер юзидаги барча тирик жонзот (шу жумладан одам)нинг ҳам ажодлари қадим даврларда денгизда яшаган организмлардир. Уларнинг танасида денгиз суви, яъни шўр сув бўлган. Қуруқликка мослашганда ҳам, улар ўз вужудидаги шўр суюқлигини сақлаб қолган. Бироқ, ер ўз жонзотлари танасида шунча миқдордаги табиий шўр сувни асраш имкониятига эга эмас. Тупроқ ва сувлар таркибидаги тузлар эса, ёмғир ва дарёлар орқали денгиз ва океанларга чиқиб кетади. Натижада, ерда яшовчи мавжудот тузсизраб туради.

Мана шунинг учун ўсимликлар билан озикланувчи жонзотларда тузга ташналик пайдо бўлади. Организм ҳар куни маълум миқдорда ўз суюқлигини йўқотади. Бу суюқлик таркибида туз ҳам бирга чиқиб кетади. Бироқ биз истеъмоқ қиладиган ўсимлик олами бу туз ўрнини тўлдиролмайди.

Инсон танасидаги туз асосан, унинг териси орқали тўпланadi. Агар одам тузсиз овқат истеъмоқ қилса, қон таркибидаги туз камайиб кетади. Шунинг учун тери ўзидаги захира туздан зарур миқдорини қонга узатади. Бу жараён кўпинча тери хасталикларидан ижобий натижа беради. Мана шунинг учун ҳам шифокорлар айрим касалликларни даволашда беморга тузсиз овқат истеъмоқ қилишни тавсия этадилар.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
тайёрлади.

Ангрен шаҳар ҳокимлиги жамоаси Ангрен шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Мамашариф Ҳасановга падари бузруквори, Мехнат Қахрамони
Турғун ҲАСАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШМЕНТСИЯ ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.